



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ХОРИЖИЙ ЭЛЧИЛАРДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ

6 март куни хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчилари томонидан ишонч ёрлиқларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Фавкуллода ва мухтор элчилар — Миср Араб Республикасидан Тамер Фатхи, Италия Республикасидан Пергабриель Пападиа де Боттини, Қирғиз Республикасидан Дүйшонкул Чотонов, Беларусь Республикасидан Александр Огородников, Грузиядан Давид Котария ва Туркия Республикасидан Уфук Улуташнинг ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини янги Ўзбекистондаги шарафли миссияси бошлангани билан самимий табриклади. Дунёда зиддиятлар кескинлашиб, геосийсий рақобат кучайиб бораётган ҳозирги даврда дўст давлатларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши ҳар қачонгидан ҳам муҳим экани таъкидланди.

Бундай шароитда Ўзбекистон ўзининг очик ва прагматик ташқи сиёсати билан ўзаро ҳурмат ва дўстликни мустаҳкамлаб, дунёнинг барча минтақаларидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар ва глобал молиявий институтлар билан амалий шериклиқни ривожлантирмоқда.

Президентимиз умумий сиёсий ирода туфайли Марказий Осиё ахши кўшничилик, ишонч ва интеграция минтақасига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилда Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларида раислик қилмоқда ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган тарихий саммитга тайёргарлик кўрмоқда.

Бўлаётган жадал ўзгаришлар туфайли минтақамизга қизиқиш тобора ортиб, «Марказий Осиё плюс» мулоқот майдони кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Жорий йил апрель ойида мамлакатимизда «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити, май ойида эса «Марказий Осиё — Кўрфаз араб мамлакатлари» форматидаги иккинчи учрашув бўлиб ўтади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида 11 та резолюция қабул қилингани алоҳида қайд этилди.

Жорий йилда мамлакатимизда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси ва ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилиши, 2027 йилда Ўзбекистон Кўшилмаслик ҳаракатига раислик қилиши ҳам давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Ўтган йили жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 35 миллиард долларни ташкил этиб, экспорт 27 миллиард доллардан ошган. Янги инновация форматида ўтказиладиган Тошкент инвестиция форумига тайёргарлик кўрилмоқда.

Ислохотларимиздан кўзланган асосий мақсад — ҳар бир инсон манфаатларини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш, «келажақ иқтисодиёти» ва илгор инфратузилмани барпо этиш, жозибадор инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлашдан иборат. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида белгиланган улкан мақсад ва режаларимизни амалга ошириш учун бизда етарли салоҳият ва имкониятлар, энг муҳими, кучли интилиш ва сиёсий ирода бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлагани учун дипломатик миссиялар раҳбарлари вакиллик қилаётган мам-

лакатлар ҳукуматларига миннатдорлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Миср Араб Республикаси элчисига мурожаат қилар экан, ушбу мамлакат Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги ишончли ҳамкори эканини таъкидлади.

Сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Ўтган йили Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, 3 та йирик бизнес форуми муваффақиятли ўтказилди. Икки мамлакат етакчи компанияларининг кооперацияси кенгаймоқда.

Миср Президентини Абдулфаттоҳ ас-Сисининг мамлакатимизга ташрифи икки томонлама муносабатларда янги даврни бошлашда муҳим воқеа бўлиши таъкидланди.

Мисрнинг етакчи ташкилотлари ва компаниялари иштирокида энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, геология, туризм, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Араб давлатлари лигасининг яқинда ўтган саммитида Миср Президентини томонидан илгари сурилган Ҳазони тиклаш режасини қабул қилиш ташаббусини юқори баҳолади.

Ўзбекистон етакчиси Италия улкан сиёсий ва иқтисодий салоҳиятга эга муҳим стратегик шерик эканини таъкидлади.

Бугунги кунда Италия компаниялари билан «яшил» энергетика, кимё, машинасозлик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, таълим ва туризм соҳаларида йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ташқи ишлар вазирларининг «Италия — Марказий Осиё» формати-

даги мулоқоти давом этмоқда. Турин политехника ва Пиза университетларининг Тошкент шаҳридаги филиаллари самарали фаолият юритмоқда.

Ўтган йили биринчи марта етакчи олий таълим муассасалари форуми ўтказилди. Яқинда Рим ва Виарежия шаҳарларида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Яқин кунларда Ҳукуматлараро ишчи гуруҳ йиғилиши ва бизнес форуми, Ломбардия губернаторининг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда Ҳудудлар кенгаши бўлиб ўтади. Бундан ташқари, қўшма инвестиция фондини ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Италия Бош вазирининг мамлакатимизга жавоб ташрифини ташкил қилиш асосий вазифа этиб белгиланди.

Қирғизистон Ўзбекистоннинг яқин кўшнисини ва стратегик шеригидир.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар ортди, қўшма корхоналар сони 300 тага етди. Худудларда автомобиль заводи, тўқимачилик фабрикалари, тиббиёт марказлари, агрокластерлар ишга тушди.

Ўтган йил декабр ойида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошлангани муҳим тарихий воқеа бўлди.

Шу ойда Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон етакчилари иштирокида уч томонлама саммит бўлиб ўтади.

Ҳукуматлараро ва парламентлараро комиссиялар, Худудлараро форум ва Ишбилармонлар кенгаши фаолияти натижадорлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлиги сифат жиҳатдан янги босқичга қўрилди.

Ўтган йил февраль ойида Беларусь Президентини Александр Лукашенконинг

мамлакатимизга расмий ташрифи кўп қиррали шериклиқни кенгайтиришга қўшимча суръат бағишлади.

Товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда, қўшма корхоналар сони 240 тага етди. Яқин кунларда сиёсий маслаҳатлашувлар, Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва ишбилармонлик тadbирлари бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги, электротехника, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида кооперацияни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Худудлараро, тиббиёт ва таълим форумларини самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Грузия Жанубий Кавказдаги ишончли ҳамкоримиз эканини таъкидлади.

Ўтган йили товар айирбошлаш 50 фоизга ошди. Юк ташиш ҳажми ортмоқда, банк соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Ҳукуматлар ва парламентлар даражасидаги алоқалар фаоллашди, маданий ва туризм алмашинувлари кенгаймоқда.

Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзенинг куни кеча Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи яқунлари икки томонлама муносабатлар ривожига янги босқич бўлишига ишонч билдирилди.

Товар айирбошлашни янада ошириш, логистика ва транзит, туризм, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик соҳаларида кооперацияни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда худудлар бизнес форуми, миллий махсулотлар ярмаркаси, маданият кунларини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия элчисига мурожаат қилар экан, фаол сиёсий мулоқот туфайли икки томонлама муносабатлар кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Ўтган йили товар айирбошлаш 3 миллиард долларга, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2 миллиард долларга, қўшма корхоналар сони 2 мингтага етди. Туркиянинг етакчи компаниялари билан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Тошкентда Туркий давлатлар халқаро университети ташкил этилмоқда.

Янги истиқболли йўналишлар ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш мақсадида жорий йилда Ўзбекистонда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ташкил қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчиларга шарафли ва масъулиятли фаолиятда катта муваффақиятлар тилади, шериклиқни мустаҳкамлаш учун мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдаланишга қарор қилди, худудлар ва хусусий бизнес вакиллари билан фаол ҳамкорлик қилишни тавсия қилди.

Ўз навбатида, дипломатлар самимий қабул ва самарали фаолияти учун яратилган шароитларга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорлиқни фаол илгари суриш йўлида ўзларининг бутун профессионал тажрибаси ва билимидан фойдаланишга тайёр эканини таъкидладилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлори.

Сенат кўмитасида

УЧ ОЙЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Ўтган қисқа даврда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан Кенгашининг 4 та қарори, Сенатнинг 2 та қарори лойиҳаси тайёрланди ва 1 та Форум концепцияси ишлаб чиқилди.

Бу даврда "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ихро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ҳамда «Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонунлар мутасадди вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, экспертлар гуруҳи вакиллари ҳамда Ёшлар парламенти аъзо-

лари иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, маъқуллаш тўғрисида кўмита хулосалари тайёрланди ҳамда Сенат янги мажлиси муҳокамасига киритилди.

Ёшлар парламентининг янги таркиби шакллантирилди. "Ёшлар парламенти фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Сенат Кенгаши қарори ишлаб чиқилиб, Ёшлар парламентининг ташкилий йиғилишини ўтказишга доир барча зарур ҳужжатлар тайёрланди.

Бундан ташқари, Сенат томонидан қабул қилинган Ҳаракатлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда қонунчилик таклифини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МУАММОЛАРИГА АМАЛИЙ ЕЧИМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ҳамда Иқлим ўзгариши қўббатларини камайтириш ва "яшил" иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссияси ҳамкорлигида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги қўллаб-қувватлаш иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларига дуч келмоқда. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, туپроқ эрозияси, қўлланчи, қазилма ёқилгиларни беҳисоб ишлатиш глобал иссиққа, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказяпти.

Бундан тўрт йил аввал Президентимиз томонидан илгари сурилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси концепцияси ҳозирги кунга келиб чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ушбу дастур қатор худудларда, жум-



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

БУ КУН ГЎЗАЛЛИКНИНГ ҚУТЛУҒ АЙЁМИ

Аёл ва истиқбол, аёл ва жамият, Она ва миллат... Бу сўзлар замирида кўламми фалсафа, абадиётга дахлдор ҳикмат мавжуд. Нафис ҳикмат эгаси бўлган аёл чин маънода шарафлашга, олқишлашга лойиқ. Чунки у дунёга фарзанд армуғини этиб, келажақ миллатни яратади, унинг гўзаллигидан кўзлар яшнайди, меҳридан қалблар сузурга тўлади, муҳаббатидан умрлар бахтга йўлдош бўлади. Аслида оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барака киритадиган, хонадонларимизни нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган инсонлар мунис оналаримиз, опсингилларимиздир.

Шу маънода, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳаётимиздаги мавқеини юксалтириш, ардоқлаш, уларга ҳар томонлама қўмаклашиш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни мамлакатимиз бўйлаб кўтаринки руҳда нишонланади. Баҳорий кайфият, шодлик ва бахтга тўла айна кунларда ҳам ушбу айёмга тайёргарлик кўтаринки руҳда олиб борилмоқда. Халқимиз дилида севинч, шодиёна руҳи кезиб юрибди, кишилар кўлида гулу совғалар билан уйига шошилмоқда... Ўзбекистон

Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда:

**Бу кун гўзаллиқнинг қутлуғ айёми,
Қизларнинг кўкламга мослигидир бу.
Юраклар лиммо-лим муҳаббат жами,
Баҳор келганининг ростлигидир бу!**
Махсус саҳифамизда эл-юртимиз ардоғидаги инсонларнинг аёл зотиға ҳурмат-эҳтироми, мамлакатимизда хотин-қизларнинг бахту икболи йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳавола этилмоқда.

4-саҳифага қаранг. ➡



Хусусан, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик тақлифи ишлаб чиқилди.

2025 йил 4 февраль куни Олий Мажлис Сенатида Сенат Раиси раҳбарлигида

УЧ ОЙЛИК ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди ва ушбу комиссиянинг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида Сенат Кенгаши қарори лойиҳаси тайёрланди.

Шу йилнинг 27-28 февраль кунлари кўмига томонидан болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини Тошкент шаҳрининг айрим туманларида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганишлар натижасида болаларга

нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича мутасадди ташкилотлар ўртасида узвий ҳамкорлик тўлиқ йўлга қўйилмагани, бу борада юригиладиган маълумотлар ўзаро интеграция қилинмагани аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, соҳага доир маълумотларни юриштида айрим номувофиқликларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида мактаб ёшидаги болалар учун таълим олиш имконияти яратиб берилмагани маълум бўлди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ томони-

дан Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйида болалар учун яратилган шароитлар ҳамда болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолияти ҳам ўрганилди. Шунинг баробарида мутасадди ташкилотларнинг болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирлари ва лойиҳалари билан танишилди.

Аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идораларга тегишли кўрсатмалар берилди. Ушбу йўналишдаги ишлар Сенат томонидан назоратга олинди.

«Халқ сўзи».

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МУАММОЛАРИГА АМАЛИЙ ЕЧИМ



лари учун йўналтирилган. Ақратилган 52 млрд. сўм маблағ ҳисобидан республиканинг 208 та туманида “Яшил боғ” ва “Яшил жамоат парк”лари барпо қилинган.

Мунозараларда депутатлар бугунги глобал иқлим ўзгаришлари шароитида азалий аъна-

Тадбирда мутасадди вазирилик ва идоралар масъул ходимларининг кун тартибидagi масалалар юзасидан тақдимот ва маърузалари эшитилди.

Айтилганидек, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига 2024 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирларни амалга ошириш учун 100 млрд. сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағларнинг 52 млрд. сўми “Очиқ бюджет” портали орқали “Менинг боғим” лойиҳасини молиялаштиришга, 48 млрд. сўми бошқа кўламазорлаштириш тадбир-

римиз ва қадриятларимиз асосида яшилликни кўпайтириш, даракт ва бута кўчатларини экиш орқалигина мусавфо табииоти келажақ авлодга етказишимиз мумкинлигини таъкидлади.

Тадбирда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, амалга оширилаётган ишлар устидан самарали ва таъсирчан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

НАЗОРАТ МЕХАНИЗМЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШДА ПАРЛАМЕНТ ИШТИРОКИ МУҲИМ

Куни кеча давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ййгилишида қатнашди. Унда коррупцияга қарши олиб борилаётган ишларнинг натижадорлиги таҳлил этилиб, келгуси устувор вазифалар белгиланди. Мазкур иллат бошқарувнинг энг куйи бўғинларида ҳам чуқур илдиз отгани кескин танқид қилинди.

Мажлисида коррупциянинг асосий ўчоқлари, айниқса, маҳаллий даражадаги муаммолар кўтарилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, давлат органлари фаолиятини янада шаффолаштириш ва назорат механизмларини кучайтириш масалаларига алоҳида ургу берилди.

Жиноятчилик ва коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш учун муаммо илдинини аниқлаш ҳамда унга ҳуқуқий ҳамда институционал жавоб бериш зарур. Шу нуқтаи назардан, парламент кўмиталари жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиши, ҳар бир ҳолат бўйича аниқ чоралар белгилаш лозим. Бу нафақат жиноятларнинг олдини олиш, балки ҳуқуқий ва назорат механизмларини кучайтириш орқали тизимли муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Бу борада парламентнинг ҳам кенг кўламли иштироки бўлиши зарур. Парламентнинг коррупцияга қарши курашдаги ўрни, айниқса, қонунчилик ташаббусларини илгари суриш, жойлардаги

реал вазиятни таҳлил этиш ва масъул органлардан натижа талаб қилиш орқали яққол намоён бўлади. Сенатнинг бу жараёндаги роли эса янада муҳим. Чунки Сенат нафақат қонунларни муҳофиза ва тасдиқлаш ваколатига эга, балки ҳудудий муаммоларни бевосита ўрганиб, ижро ҳоқимияти фаолиятини назорат қилишда ҳам муҳим масъулиятни зиммасига олиши лозим.

Демак, Президентимиз томонидан илгари сурилган мазкур тақлифлар жиноятчиликка қарши курашда янги босқични бошлаб беради. Эндилкида бу жараён нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси, балки парламент кўмиталари ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳам фаол иштирокини талаб этади. Мақсад эса битта — жиноятчилик ва коррупциядан ҳоли, хавфсиз жамиятни барпо қилиш.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги
масалалари ва экология
кўмитаси раиси
ўринбосари.

«ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН»

Куни кеча ўтган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган ййгилишида давлатимиз раҳбари томонидан коррупцияни таг-томири билан қуритиш учун, аввало, инсон омили ва қорғозбозлики камайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди.

Бу борада энг долзарб йўналишлардан бири — давлат харидлари тизимини ислох этиш ва ундаги коррупция омилиларини йўқ қилишдир. Чунки манфаатлар тўқнашуви, товар ва хизматлар қиммат нархларда сотиб олиниши каби салбий ҳолатлар айнан ушбу тизимда кўпроқ кузатишмоқда.

Ййгилишда тўғридан-тўғри давлат харидлари соҳини камайтириш бўйича жиддий чоралар қўриш лозимлиги таъкидланди. Бугунги кунда 50 дан ортиқ турдаги товар ва хизматларни бевосита харид этиш мумкин бўлса-да, ҳеч бир раҳбар ушбу йўриқатни бекор қилиш ва жараёнини очиқ танлов асосида ўтказиш бўйича ташаббус билдирмаган.

Мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш учун махсус Эксперт комиссияси тuzилди. Ушбу комиссия илгор халқаро тажрибани ўрганиб, давлат харидлари жараёнини назорат қилиш бўйича янги тизим яратди. Хусусан, товар ва хизматларнинг бозор нархи акс этадиган электрон платформа шакллантирилади ва ундаги маълумотлар доимий янгилана борилади.

Янги тартибга кўра, давлат харидларида товар ёки хизмат нархи бозор нархидан 20 фоиздан ортиқ ошмаслиги шарт қилиб белгиланди. Ушбу талабни бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний жавобгарлик ва жараима санкциялари қўлланилади. Бу чора коррупцион келишувларнинг олдини олиш ва давлат маблағларининг самарали сарфланшини таъминлашга хизмат қилади.

Ўтган йиллар давомида ушбу иллатга қарши тинимсиз кураш олиб борилиши натижасида кўп йиллик муам-

мога айланган мактабгача таълим тизимидagi коррупциявий ҳолатлар, ота-оналарнинг ортиқча сарсонгарчилигига барҳам берилди. Коррупцияга йўл очиши мумкин бўлган соҳадаги қўлаб хизмат турлари рақамлаштирилди. Жумладан, Президентимиз таъкидлаганидек, ўтган даврда мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу эса ушбу соҳада мурожаатлар сонининг 2,5 қаррага камайишга олиб келди.

Албатта, буларнинг барчаси давлат раҳбарининг қучли сиёсий иродаси ва коррупцияга қарши шафқатсиз кураш олиб боришда кўйган талаб ва ташаббуслари асосида амалга ошмоқда, десак, айни ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари ййгилишда ҳам коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараб, маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, тадбиркорлар, таниқли шахслар, раҳбарлар, депутат ва сенаторлар депутатлари, мазкур соҳа бўйича иш олиб бораётган доимий комиссиялар, кенг жамоатчилиқни жалб этиб, ҳамкорликда ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Кобулжон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
масалалар кўмитаси раиси
ўринбосари.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛНАДИ

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган ййгилишида билдирилган кенг кўламли ташаббуслар биз, парламент аъзоларини том маънода сергакликка ундади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жамиятда энг қўп ва қизғин ҳуқоқам қилинадиган коррупцияга қарши курашиш масаласи илк маротаба янги форматда, давлат раҳбари иштирокида қўриб чиқилиши қучли сиёсий иродани намоён этмоқда. Президентимиз коррупцияга қарши курашишда ташаббускор ва ислохотчи, давлатчиликни мустақамлаш борасида узқоқни кўра билувчи давлат арбоби эканини яна бир бор кўрсатди. Биз, депутатлар давлат раҳбари маърузасидан келиб чиқиб, ўз вазифаларимизни белгилаб олдик. Зотан, жамиятда коррупцияга барҳам беришда, аввало, биз, халқ вакиллари етакчи бўлишимиз шарт.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Президентимизнинг учрашувдаги маърузаси коррупцияга қарши курашиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларга янги “импульс” беради ва жадаллаштиради.

Бундай дейишимизга сабаб, маърузида 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган топшириқлар берилди. Ушбу топшириқлар доирасида 5 та қонун, Президентнинг 12 та Фармон ва қарори ишлаб чиқишга белгилангани ҳам масаланинг нақадар кўламдор эканидан далолат беради.

Аввало, эътироф этиш керак, давлатимиз етакчисининг оқилона раҳбарлиги остида кейинги йилларда коррупцияга барҳам бериш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилди. Қарийб чорак асрда эришилган натижаларга сўнгги саккиз йил давомида ортиғи билан эришиш олдик. Хусусан, коррупцияга қарши курашишга оид қонунлар қабул қилинди, махсус ваколатли агентлик ташкил этилди. Ҳукумат фаолиятининг очиқ ва ошқоралигини таъминлаш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга кенг жорий қилинди. Барча давлат идораларида комплаенс ва самарадорликни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлар рақамлаштирилди. Ҳар йили Тошкентда аънавий Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келинмоқда. Ассосийи, жамоатчилик, журналистлар яқин ўтмишдан фаркли равишда коррупция муаммоси ҳақида очиқ-ойдин гапирапти, ёзаяпти ва уни

бартараф этишга таъсир кўрсатаяпти. Ййгилишда коррупцияга қарши курашиш, давлат хизматларида инсон омилини қисқартириш борасида эришилган натижалар эътироф этилиши билан бир қаторда ечимини култайтган муаммолари масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Мавжуд муаммоларни бартараф қилишнинг аниқ йўллари, механизмлари кўрсатилиб ўтилди. Парламентнинг коррупцияга қарши курашдаги фаол иштирокини янада ошириш борасида халқчил ташаббуслар билдирилди. Жумладан, парламентдаги масъул кўмиталар маҳаллаларгача тушиб, ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабаби ва омилиларни аниқлаб, туман, вилоят прокурорлари, ички ишлар бошқармалари бошликларининг олдиға аниқ вазифа қўйса, бу йўналишда ҳам ижобий натижалар қўлга киритилиши таъкидланди. Парламентдаги бюджет кўмиталарига ҳар йили бюджетдан энг қўп маблағ оладиган вазирликлардаги коррупциявий омилиларни аниқлаш ва ўзгартириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Қолаверса, бундан буён, вазир ва ҳокимлар лавозимга қўйилишдан олдин коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режасини парламент ва маҳаллий Кенгашлар олдида ҳимоя қилдиган тизим жорий этиш тақлифи илгари сурилди. Шунингдек, Сенат камида битта ҳудудда жиноятчиликни кескин қисқартиришга қаратилган, Қонунчилик палатаси эса камида битта соҳада коррупцияга барҳам бериш бўйича тақлифлар бериб бориши бу борадаги ишлар натижадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ассосийи, энди коррупцияга қарши курашда парламент, маҳаллий Кенгашлар, фуқаролик жамияти институтлари, миллий ва ҳудудий кенгашлар роли янада оширилади, фуқароларнинг иштироки кенгайди. Хусусан, коррупцияга қарши курашишда парламентнинг роли янги босқичга чиқди. Ййгилишда парламентнинг янги тизимга бош-қош бўлиши, бу борада масъулиятни ўз зиммасига олиши белгиланди ва унинг олдиға 8 та жиддий масала қўйилди.

Бундан ташқари, Президент томонидан ҳозирда қонунчиликда коррупциявий жиноятларнинг аниқ рўйхати йўқлигига эътибор қаратилди. Амалдаги қонунларимиз жазони кучайти-

ришнинг ўзи билан чеклиб қолгани, коррупциянинг олдини олиш, одамларимизни унга тоқатсизлик руҳида тарбиялаш, профилактика механизмларини яратиш, жиноятни фoш қилишга ёрдам берганларни рағбатлантириш каби масалалар акс этмагани асосли равишда танқид қилинди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда коррупцияга қарши курашишда жазо белгилашнинг ўзи билан кифояланиб бўлмайди. Қундан-қунга тури ва шакли ўзгариб, кўпайиб бораётган коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасиини кучайтиришга қаратилган механизмларни ишга тушириш, бу борада мавжуд ҳуқуқий асосни такомиллаштиришимиз зарур.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, миллий кенгашнинг кенгайтирилган ййгилишида Президентимиз томонидан билдирилган ташаббуслар ва тақлифлар партияимиз дастурий мақсадларига ҳамохангидир. Зеро, “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Коррупцияга қарши курашиш маданиятини инновацион ёндашувлар асосида ёшларнинг онига сингдириш партиянинг қатъий позициясидир.

“Биз давлат хизматиди таниш-билишчилик, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олишда давлат хизматчиларини ротация қилиш тизимини ривожлантириш тарафдоримиз” каби ғоялар илгари сурилган.

Шунингдек, юридик ёрдам кўрсатилишида адовкатлар фаолиятига тўқсинлик қилаётган омилиларни бартараф этиш, давлат хизматиға профессонал ва фидойи кадрларни танлашнинг замонавий тизимини ишга тушириш, тўғридан-тўғри харидларни қисқартириш ва бошқа қўлаб ташаббуслар партия дастурий ғояларига мос экани билан аҳамиятлантирилади.

Шубҳасиз, юқоридagi ташаббусларнинг амалдаги инъикоси қонун иходкорлиги борасидаги фаолиятимизни қайта қўриб чиқишимиз зарурлигини аңглатида. Зотан, партияимиз ва унинг фракцияси аъзолари юртимизда коррупцияни бартараф этишга қаратилган миллий меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг ижросини амалга ошириш, жойларда тарғиб қилиш ва уларни такомиллаштиришга ҳамийша тайёр.

Робехон МАХМУДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидagi “Адолат” СДП
фракцияси раҳбари.

РАҚАМЛАШТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Энергетика соҳасини рақамлаштириш — бу шунчаки технологик янгиланиш эмас, балки миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва аҳолининг турмуш сифатини оширишга қаратилган стратегик қадамдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг ижро этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. БРМнинг “Арзон ва тоза энергия” мақсади бўйича аҳолини барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш, шунингдек, ёқилғи-энергетика соҳасини рақамлаштириш бўйича муайян ишлар қилинмоқда.

Мушоҳада

Тизимни рақамлаштириш борасидаги ислохотлар Президентимизнинг қарор ва фармонлари асосида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг кўмиталари, хусусан, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси мазкур жараёнларни қонунчилик орқали қўлаб-қувватлаб, энергетика соҳасини рақамлаштириш бўйича қабул қилинаётган қонунлар, парламент ашитувлари ва назорат механизминини кучайтириш орқали тизим тараққиётига ҳисса қўймоқда.

Хусусан, энергия истеъмоли самарадорлигини оширишга қаратилган рақамли ҳисобот ва мониторинг тизимларини кенгайтириш юзасидан парламент ашитувлари ташкил этилмоқда, энергетика соҳасига ажратилган бюджет маблағлари ижроси қўриб чиқилмоқда. Энергетика вазирининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитиш, унга депутат сўровлари юбориш каби шакллардан самарали фойдаланилаяпти.

Жорий йилда Энергетика вазирининг соҳага оид ислохотлар самарадорлиги юзасидан уш муротаба ахборотини эшитиш, парламент ва депутат сўровларини юбориш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда ҳудудларга чиқиб, ўрганишлар олиб боришмоқда.

Шу ўринда бунинг натижасида энергетика инфрақутилмасини трансформация қилиш, “акқли” тармоқлар ва сунъий интеллектни жорий этиш орқали соҳа самарадорлигини оширишда

эришилаётган айрим ислохотлар тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз.

Шунлардан бири — “HET-Billing” — электр энергияси учун рақамли ҳисоб-китоб тизими бўлиб, “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 8,5 миллион абонентни қамраб олувчи мазкур дастурий комплекс жорий этилди. Бу инновацион тизим орқали электр энергиясини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш ва тўловларни амалга ошириш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилди.

Эндилкида истеъмолчилар “cabinet.het.uz” веб-портали ва “HET-Billing” мобил иловаси орқали ўз истеъмолларини реал вақт режимида кузатиб боришлари, шунингдек, онлайн тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Табий газ таъминотидаги ушбу рақамли ечимлар нафақат хизмат кўрсатиш сифатини ошириди, балки соҳага замонавий ёндашувини киритиб, аҳоли ва тадбиркорлар учун янада ишончли ва шаффоф муҳит яратди.

Президентимиз Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ “Е-KON” лойиҳаси доирасида бугунги кунга келиб Шўртан НГҚЧБ, Газли НГҚЧБ, Устюрт ГҚЧБ ва Муборак НГҚЧБ қонларига қарашли қудуқларда маълумотларни онлайн тарзда узатиш учун 26 донa база станцияси, 112 донa радиокўзаткич ва 200 донa видеокузатув камералари ўрнатилди.

Натижада 1 406 та газ қудуғи ва 96 та газ йиғув жойи босим ҳамда ҳароратини онлайн мониторинг қилиш тизимига уланди. “Schlumberger” компанияси билан ҳамкорликда қонларни рақамли моделлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, жорий йил 1 январдан бошлаб автономияларга газ тўлдирши компрессор шохобчалари орқали сотиладиган табий газ сарфи ҳисобини бевосита газ тарқатиш устунларидаги (диспенсерлар) маълумотларни реал вақт режимида тўплаш ва юритиш имконини берув-

чи “U-Gaz” тизими ишлаб чиқилиб, тўлиқ ишга туширилди.

Мазкур тизимнинг жорий этилиши ёнилги қуиш шохобчаларини бошқаришни автоматлаштириш, марказлаштирилган маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, фаолиятини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда ҳисобот маълумотларини яратиш ва саклаш имконини беради.

Бу ўзгаришлар нафақат соҳа самарадорлигини оширишга, балки аҳоли учун янада ишончли, хавфсиз ва шаффоф энергетика тизимини яратишга хизмат қилмоқда. Ҳар бир фуқаро ва тадбиркор реал вақт режимида ўз энергия сарфини кузатиб бориши, онлайн тўловларни амалга ошириши ва текзор хизматлардан фойдаланиши мумкин бўлмоқда.

Рақамли технологиялар орқали электр ва газ таъминотида йўқотишлар камайтиб, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш йўлга қўйилаяпти. Бу эса узлуқсиз ва барқарор таъминотни юзага келтирмоқда.

Соҳани рақамлаштиришнинг кейинги босқичида хизматлар учун ундирувчи онлайн ва электрон амалга ошириш, ходимлар иш самарадорлигини онлайн назорат қилиш, қурилиш, реконструкция жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш, электрон ҳужжат айланиши, жараёнда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш (инсон омили аралашувисиз мурожаатларга автоматик жавоб бериш, техник шарт олиш) ва шунингдек, коррупциявий ҳолатларни камайтириш ҳамда молиявий кўрсаткичларини ошириш мақсад қилинган.

Албатта, буларнинг барчаси коррупция ва ноқонуний уланишларга қарши кураш самарадорлигини сезиларлиқ оширади. Ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларининг тўлиқ автоматлаштирилиши эса инсон омилини камайтириб, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Инновацион ривожланиш ва ахборот
технологиялари масалалари кўмитаси
раиси ўринбосари.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишга қўмаклашувчи «Келажаққа қадам» дастури амалга оширилади.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон дунё харитасида географик жойлашиши, жаҳон ҳамжамияти кўз олдида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, давлатимиз томонидан олиб борилаётган очиклик сиёсати туфайли хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай маконга айланиб бормоқда.

Нуктаи назар

Президентимиз томонидан 2025 йил 16 январда инвестицияларни кенг жалб этиш ва экспорт ҳажмини ошириш борасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги асосий вазифалар муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида “инвестиция — иқтисодиёт драйвери, Ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги”, деб таъкидланди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, кучли инвестиция сиёсати натижасида иқтисодиёт барқарор ўсаяпти. Айниқса, олий таълим тизимида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим бўғини сифатида эътибор қаратилиб, соҳада кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда. Олий таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш ва ўзаро тажриба алмашиш борасида кўплаб хорижий давлатлар билан изчил алоқалар йўлга қўйилляпти.

Ривожланаётган мамлакатлар тажрибасига кўра ҳар қандай олий таълим муассасасининг ўқув ва илмий салоҳияти, рақобатбардошлигини оширишда самарали халқаро ҳамкорлик ижобий натижалар бериб келмоқда. Шу боис олий таълимда халқаро шерикликни инновацияларнинг асосий драйвери деб эътироф этиш мумкин. Мамлакатимизда олий таълимга берилаётган имкониятлар, айниқса, тиббий таълимга эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар туфайли хорижлик талабаларнинг Ўзбекистонда ўқишга қизиқиши йилдан-йилга ошмоқда. Айниқса, тиббиёт йўналишида ўқиш учун Ўзбекистонни танлаётганлар сони кескин ортди. Бу эса хорижлик талабалар орқали таълим тизимига кириб келаётган инвестициялар ўсиб бораётганидан далолат.

Ривожланишнинг катта йўлини бо-сиб ўтган Самарқанд давлат тиббиёт



университетига ўқув халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб боришмоқда. Бу ерда кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида кредит-модуль тартиби жорий этилган. Бу тизим ҳозирги кунда олий таълимда етакчи тенденция сифатида намоён бўлмоқда. Унинг юртимиз олийғохларига татбиқ этилиши, шубҳасиз, кадрлар тайёрлаш ва билим бериш сифатини оширишга ёрдам беради, соҳанинг жаҳон таълимига интеграциялашувини тезлаштиради.

Ислохотларга ҳамоҳанг фаолият

Университетимизда талабаларнинг сифатли таълим олиши учун энг янги ахборот технологиялари билан жиҳозланган аудиториялар, лабораториялар, симуляцион марказлар, замонавий клиник базалар мавжуд. Ислохотларга ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бериб келмоқда. 2021 йилда халқаро ISO сертификатини кўлга киритдик. 2024 йил Самарқанд давлат тиббиёт университетининг таълим дастурлари “ЕСАQA” (Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида аккредитация ва сифатни таъминлаш бўйича Евроосиё маркази) ташки эксперт комиссияси аккредитациясидан ўтди.

Бу жараёнда университет таълим йўналишлари Тиббий таълим бутун жаҳон федерацияси (World Federation of Medical Education — WFME), Олий таълимда сифатни таъминлаш Евро-

па ассоциацияси (European Association for Quality Assurance in Higher Education — ENQA) ҳамда Осие — Тинч океани худуди сифат регистри (Asia Pacific Quality Registr — APQR) стандартларига мувофиқлигига ижобий баҳо берилган. Таъкидлаш жоизки, халқаро аккредитациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома таълим ва хизматларнинг сифати, уларнинг халқаро талабларга мувофиқлиги кафолатларини тасдиқлайди ва ушбу дастурлар бўйича олий таълим тўғрисидаги диплом бутун дунёда тан олинади. Бу эса университет битирувчилари учун халқаро миқёсда катта имкониятларни очади, десак, муболага эмас.

Бугунги кунда университетда 14 мингдан зиёд талабалар таҳсил олмоқда. Уларнинг 3 мингдан кўпроғи Россия, Покистон, Хиндистон, Афғонистон, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Филиппин, Непал, Бангладеш, Қозғистон, Тожикистон, Туркمانистондан келган ёшлардир. Халқаро ҳамда қўшма таълим дастурларини кенг татбиқ қилиш мақсадида халқаро таълим факультети, инглиз тилида ўқув жараёналари ташкил этилган.

2020 йилдан университетимизга покистонлик талабалар қабул қилина бошланди. Ҳозирги кунда уларнинг сони минг нафарга яқинлашди. Покистонлик талабалар учун инглиз тилида “SamSMU” платформаси тайёрланган бўлиб, улар бу платформа орқали университетда ўтиладиган ҳар бир фан учун мавзулаштирилган маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория ва амалий кўникмалар, 4 хил йўналишдаги “MCQs” (Multiple-Choice Questions) тестлари, мавзуга доир назорат саволларидан бемалол фойдаланиши мумкин. Платформадан фойдаланиш учун ҳар бир хорижлик талабада алоҳида логин-пароль берилади.

Инглиз тилида дарс берувчи профессор-ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилинмоқда. Бу эса хорижлик талабалар учун дарс сифатини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Ўқув аудиторияларимиз интерфаол доскалар, проекторлар, телевизорлар, интернет тармоғи билан таъминланган.

Университет ахборот-ресурс марказида тиббиётнинг барча соҳасига оид 10 мингдан ортққ инглиз тилидаги адабиётлар мавжуд. Улар, асосан, дунёга машҳур “ELSEVIER”, “McGrawHill”, “The Health Scinces Publishers”, “Lippincott, Williams & Wilkins”, “Lippincott-Raven”, “Jaypee Brothers Medical Publishers The Health Sciences Publisher”, “Jaypee brothers medical publishers” каби нашриётларнинг китоблари ҳисобланади. Энг янги хорижий адабиётларга талаб кучли бўлгани учун ҳар йили чет эл нашриётларига буюртма берилади.

Бундан ташқари, 2 мингга яқин электрон адабиётларимиз ҳам хорижлик талабалар фойдаланиши учун тайёрланган. Кутубхоналаримизда QR-код орқали хорижлик талабалар учун электрон ўқув адабиётларини мобил қурилмаларга юклаб олиш тизими мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизими яратилган. Замонавий ўқув адабиётларини яратиш, сифатини яхшилаш, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Назария ва амалиёт

Бугунги кунда Германия, Буюк Британия, Австрия, Швейцария, Япония ва Корея Республикаси каби мамлакатларда ривожланиб бораётган таълим тизими билан амалиётни бирга олиб бориш тажрибасига Самарқанд давлат тиббиёт университетида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ёшлар таълим олиш билан бирга ўз касбий кўникмаларини ривожлантиради. Хорижлик талабалар ҳам фундаментал фанларни ўзлаштиргандан сўнг амалий кўникмаларни университет клиник базаларида ва симуляцион марказда жаҳон стандартларига жавоб берувчи 7-ав-

Статистика маълумотларига кўра ҳозир Ўзбекистонда 4000 нафардан ортққ покистонлик талабалар таълим олмоқда. Университетимизда хорижлик талабалар сонининг йилдан-йилга ошиб бораётгани муассасамизда ўқув жараёни сифатининг жаҳон стандартларига мос келаётгани ва икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янги босқичда изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.

лод роботлари ёрдамида ўрганишадди. Ўқув жараёнида машғулотларни олиб боришда симуляторлардан фойдаланиш бўлғуси шифокорларда касбий ва умуммаданий компетенцияларни шакллантиришга ёрдам беради.

Ёшларнинг таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган беш муҳим ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, жумладан, талабаларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш мақсадида университетда талабалар учун алоҳида маънавий-маърифий тадбирлар тайёрланади. Ҳар йили ўтказиладиган Наврўз умумхалқ байрамида хорижлик ёшлар ҳам фаол иштирок этади. Кафедралар томонидан талабалар дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ётоқхоналарда “Заковат” сингари турли танловлар, спорт мусобақалари ўтказилади.

Талабаларнинг мустақил таълимига ҳам катта урғу берилмоқда. Кафедраларда хорижлик талабалар учун алоҳида тўғараклар ташкил этилган. Уларда ҳам тўлиқ инглиз тилида машғулот олиб борилади ва асосан, илмий тадқиқот ишларига йўналиш берилади, талабалар мустақил фикрлаш, бажарган тахрибаларини таҳлил қилишга ўргатилади. Йил давомида ўқув жараёнида, илмий йўналишда, халқаро конференцияларда, олимпиадаларда қатнашиб, юқори натижаларга эришаётган талабаларимиз қатори хорижлик ёшлар ҳам дипломлар, ташаккурномалар билан тақдирланиб келинмоқда.

Покистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари Самарқанд давлат тиббиёт университетида тез-тез келиб туришади. Улар бу ерда юртдошлари учун яратилган имкониятлар, ўқув жараёни, тураржойларидаги шароитлар билан танишади.

Жасур РИЗАЕВ, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

132 минг қутидан зиёд тамаки йўқ қилинди

Пойтахтимиздаги заводлардан бирида божхона органлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирларда ноқонуний муомаладан олиб қўйилган тамаки маҳсулотларини кенг жамоатчилик, хусусан, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар иштирокида йўқ қилиш тадбири бўлиб ўтди.



Божхона кўмитаси ва Мажбурий ижро бюроси томонидан ташкил қилинган навбатдаги тадбирда божхона органлари тезкор тузилмалари томонидан аниқланган 9 та ҳолатда ҳуқуқбузарлардан олиб қўйилган жами 132 минг 180 қути тамаки маҳсулоти йўқ қилинди.

Маълум бўлишича, божхона органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда ўтган йилда аниқланган 512 та ҳолатда қиймати 61,6 млрд. сўмлик 2,9 млн. қути тамаки маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб ўтилиши ва ички ҳудуддаги яширин айланмасига чек қўйилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 137 та ҳолатда қиймати 9,3 млрд. сўмлик 305 минг қути тамаки маҳсулотлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари фош қилинган.

Ўзбекистонда илк бор видеокапсула эндоскопияси жорий этилди

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида илк бор видеокапсула эндоскопияси жорий қилинди. Бу ҳақда ССВ матбуот хизмати маълумот берди.



Мазкур инновацион усул болаларда кўп учрайдиган ошқозон-ичак касаллиқларига барвақт ва самарали ташхис қилиш имконини беради. Ушбу қурилма рақамий технология ҳамда микроэлектроника соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни ўзида жамлаган бўлиб, ичаклардаги патологияларни юқори сифатли тасвирга олиш орқали уларни шифокорларга онлайн вақт оралиғида кўрсатиб боради. Қолаверса, у бемор болаларнинг функционал диагностикаси йўналишида афзал усуллардан ҳисобланиб, қатор қулайликларга эга.

Видеокапсула эндоскопияни масофадан ўчириш, олинган натижаларни таҳлил қилиш учун фақат зарур тасвирларни алоҳида қўриб чиқиш имконияти мавжуд. Унда қўшимча портатив чўнтак компьютер бўлиб, шахсий компьютерга симсиз улаш мумкин. Сенсорли қулай жилетдан фойдаланиш эса бутун тизим билан ишлашни осонлаштиради.

Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази — «GMDN» аъзоси

Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази халқаро ҳамкорлик доирасида яна бир муҳим қадам қўйди. Муассаса “Global Medical Device Nomenclature” (GMDN) аъзолигига қабул қилинди.



Айтиш жоизки, “GMDN” — тиббий асбоб-ускуналарни номлаш ва таснифлаш бўйича халқаро тизим бўлиб, у бутун дунё бўйлаб тиббий маҳсулотларни стандартлаштиришга хизмат қилади.

Марказ матбуот хизматидан хабар беришларича, “GMDN” аъзолигига қўшилиш Ўзбекистоннинг халқаро тиббиёт ҳамжамиятидаги ишончли ҳамкор сифатида эътироф этилишида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимизда тиббий асбоб-ускуналар хавфсизлиги ва сифат назоратини халқаро стандартларга мос равишда олиб боришга хизмат қилади. Бу эса тиббий асбоб-ускуналар ҳақида ягона халқаро маълумотлар базасига кириш имкониятини таъминлаб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар учун халқаро талабларга мос ишлашга йўл очади ҳамда Ўзбекистон фармацевтика ва тиббиёт соҳасининг глобал бозорга интеграциялашувини тезлаштиради.

Раҳим ШЕРКУЛОВ («Халқ сўзи»).

Кўргазма

Матонат ва нафосат рамзи

Аёл ниҳолдек зариф жуссаси билан ҳам ҳар соҳада ўзини ёрқин ва тўлиқ намоён эта оладиган кучга эга. Айниқса, айни кунларда уларнинг спорт соҳасида эришаётган ютуқлари тарих зарваракларига ўчмас из бўлиб муҳрланмоқда.

Тошкент Фотосуратлар уйида қатор идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида “Ўзбек аёли — ўтмиш, нафосат, келажақ рамзи” шиори остида ташкил этилган “Спорт тарихида матонатли аёл тисмоли” номли анъанавий IV Республика фотокўргазмасини томоша қилиб, бунга яна бир бор амин бўламиз.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросими юртимизда спорт соҳасида муваффақиятга эришган хотин-қизлар, уларнинг ота-оналари, турли вазирлик ва идора, жамоат ташкилотларининг вакиллари, журналистлар қатнашди.

Бу ерда аёл спортчиларнинг Ўзбекистон Кинофотодо ҳужжатлари миллий архиви сақловидagi 100 дан зиёд суратлари намойиш этилмоқда.



Кўргазмага қўйилган асарларда аёлларнинг мусобақаларга тайёргарлиги жараёналари, спартакиада, олимпиада ва бошқа спорт тадбирларида фаол иштироки акс эттирилган. Ташкирф бюрганлар ушбу фотоларни катта қизиқиш билан кузатади.

Тадбир давомида “NURSAMUS” кимono компанияси ҳамкорлигида спорт кийимлари намойиши ҳам ўтказилди.

— Ушбу тадбир юртимизда анъанага айланиб қолди, — дейди факрий журналист Насиба Ибрагимова. — Ҳар йили келганимда турфа мавзулардаги асарларни кузатаман. Бу гал спортчи хотин-қизларнинг ҳаёт йўлидаги ютуқларини чиройли тасвирларга муҳрлашибдики, уларнинг ҳолати, кўздаги ҳиссиётларидан матонатни, куч ва ғайратни пайқаш қийин эмас. Бундан англаш мумкинки, спортчи аёллар ўтмишдан ўзбекининг ўзлигини, Тўмарис авлоди эканини исботлаб келган.

Фотокўргазма 10 мартгача давом этади.

Азим АХТАМОВ («Халқ сўзи»).

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ:

«Яшил» иқтисодиёт сари ишончли қадамлар

Банкни изчил ва барқарор ривожлантиришга қаратилган қатор устувор вазифалар белгиланган бўлиб, уларда молиявий юксалишлар билан бир қаторда глобал экологик ва ижтимоий дастурлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, бу ўз фаолиятини жамият манфаатлари билан уйғун ҳолда юритишга аҳд қилган мазкур молия муассасасининг ижтимоий ҳамда корпоратив масъулиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда.



Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида Президентимизнинг жорий йил 30 январдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йўлида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида илгари сурилаётган фаол ташаббуслар ҳақида ОАВ вакиллари кенг ва атрафлича маълумот берилди.

Табиатга уйғун — келажақ сари

Бугунги кунда табиатни асраш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологияга эътиборни янада кучайтириш нафақат давлат сиёсатининг, балки молиявий институтларнинг ҳам энг муҳим вазифасига айланган. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ана шу глобал ўзгаришлардан ортда қолмай, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш йўлида улкан қадамлар ташламоқда. Банк томонидан сўнгги ўн йилда 567 млн. АҚШ долларини миқдоридида “яшил” кредитлар ажратилгани ва 6,7 мингдан ортққ янги иш ўринлари яратилгани бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Шу билан бирга, “яшил” лойиҳаларни татбиқ этиш натижасида 47 минг МВТ-соат муқобил энергия ишлаб чиқарилиб, 239 минг МВТ-соат электр энергияси ва 23 минг метр куб сув тежалди.

Халқаро ҳамкорлик ва молиявий юксалиш

— Сўнгги йилларда глобал экологик вазият дунё давлатларини “яшил” тикланиш мақсадида бирлаштирмоқда, — дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “Green banking” департаменти директори Бобур Султонмуродов. — Мамлакатимизда ҳам 2019 — 2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси асосида барча соҳада “яшил” трансформация жараёнлари амалга оширилмоқда. Бизнинг “яшил” банк тамойилларини кенг жорий қилишга қаратилган ҳаракатларимиз халқаро ҳамкорлик доирасида янада кенг мазмун касб этаётир.

Дарҳақиқат, банк ўз фаолиятини глобал молия ҳамжамияти талабларига мос равишда ривожлантириб, йирик халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтирмоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТББ) билан ҳамкорликда 25 млн. АҚШ долларилк “яшил” кредитлар ажратилди.

Халқаро молия корпорацияси билан “ESG” (Environmental, Social, Governance — атраф-муҳит, ижтимоий ва корпоратив бошқарув) стандартларини жорий қилиш йўналишида ҳамкорлик амалга оширилди. “PricewaterhouseCoopers” кўмагида банк Миллий “яшил” иқтисодиёт таксономиясидан синовдан ўтказилди.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув, ижтимоий масъулият ва экологик (ESG) стандартларини халқаро талаблар асосида жорий қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Банкимиз бу борада ҳам етакчилиكنи кўлга олиб, мақсад ва вазифаларини ушбу умумэтироф этилган стандартларга мувофиқ тақомиллаштирмоқда. Ўз манфаатларини миқозлари, ҳамкорлари, ходимлари, умуман, жамият манфаатлари билан тенг қўйиб фаолият юритаяпти.

Натижада банкнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиёт йўналишидаги фаолияти халқаро миқёсда доимий равишда юқори баҳоланмоқда. Хусусан, жорий йил бошида “Sustainable Fitch” халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкка “3” даражали “ESG” рейтинги (умумий балл — 59) тақдим этилди.

ЕТББ томонидан эса банкнинг



“яшил” савдонни молиялаштиришдаги фаолияти бир неча марта эътироф қилинди. БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича “COP29” анжуманида қатнашиб орқали иқлим ўзгаришга қарши курашиш масалалари юзасидан халқаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланди.

Янги ташаббуслар — барқарор тараққиёт гарови

Банк ижтимоий ва экологик лойиҳаларда фаол иштирок этиб, жамоатчиликни табиатни асрашга чорламоқда. “яшил макон”, “Чикиндисиз дунё учун!”, “Автомобилсиз кун” каби акциялар орқали аҳоли орасида экологик маданият-

ни шакллантиришга ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, банк инфратузилмаларини экологик талабларга мувофиқлаштириш мақсадида “EDGE” аудитини амалга оширмоқда. Ушбу жараёнда “HPBS” тадқиқот ва экология муҳандислик маркази мутахассислари яқиндан ёрдам бериб, банк биоларини барпо этиш ва жиҳозлашда энергия самарадорлигининг таъминланганлик даражасини чуқур таҳлил қилаётир.

Анжуман доирасида “EDGE” аудитидан муваффақиятли ўтган банкнинг 5 та биносига сертификат тақдим этилди.

— “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг “яшил” мезонлар асосидаги фаолияти ҳам экологик, ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юқори самаралар келтирмоқда, — дейди “HPBS B.V.” тадқиқот ва атроф-муҳит муҳандислиги марказининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

рахбари Анна Завалева. — Бу, бир томондан, халқаро лойиҳаларда қатнашиш, илғор тажриба орттириш ва молиявий ресурсларни ўзлаштиришга кенг йўл очаётган бўлса, иккинчи томондан, халқаро молия ҳамжамиятида банк фаолияти жозибадорлигини ошириб, янги ҳамкорлар ва инвесторлар жалб қилишда муҳим омил бўляпти. Банк нафақат молиявий барқарорлигини таъминлаш, балки “яшил” иқтисодиёт тамойиллари асосидаги фаолиятини янада ривожлантириб, мамлакатимизда экологик барқарорлиқни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Банк ахборот хизмати. Хизматлар лицензияланган.

БУ КУН ГЎЗАЛЛИКНИНГ ҚУТЛУҒ АЙЁМИ

Буюк хилқат

Оқил САЛИМОВ,
академик:

— Дунёда миллати, тили, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча она бир-бирига ўхшайди. Онанинг тилини тушунамслигингиз мумкин, лекин кўларидан нима дегётганини, фарзандига меҳрини, эзгуликка борини бахшида этишга тайёрлигини ўқиб olasиз.

Мен ҳар бир мунис ва меҳрибон ўзбек аёлига боққанимда, унинг тимсолида ўз онамини кўргандек бўламан. Хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, нигоҳлари волидамни эслатади. Дарҳақиқат, Ер юзидagi жамки оналарнинг жигарбандига бўлган меҳри эгиздир. Бу шундай бебаҳо туйғуки, қашшоқлик ёки бойликда, соғломлик ёки беморликда, қиш қаҳратонида, жазирама саратонда ҳам пўлатдек ўзгармасдир. Фақат оналаргина фарзандининг биргина кулгиси, ҳаловати, қўйингки, бахту камоли, иқболига умрини тикади. Зотан, севимли ёзувчимиз Ўткир Хошимовнинг “Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша беназир тарқатиладиган ҳазина бор. Бу — Она меҳри!” деган сўзида ана шундай чин ҳақиқат ётади.

Бугун жонажон Ўзбекистонимизда мўътабар аёл зотининг қадр-қимматини ошириш, уларни эъзозлашга катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат, хотин-қизларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар аёлнинг оилада, жамиятда чинакам бахтли яшашини унудир. Парламент тизимида ҳам хотин-қизлар сони йил сайин ортиб



бормокда. Бунга ўтган йилги сайлов натижалари ҳам тасдиқлайди. Миллий парламентлар бўйича халқаро рейтингда Ўзбекистон парламенти хотин-қизлар салмоғига кўра жаҳондаги 193 та давлат орасида 49-ўриндан 34-ўринга кўтарилиши давлатимизнинг демократия ва гендер тенглик соҳасидаги катта ютуқларидан далолат беради.

Ҳар бир қиз бўлғуси она, она сўзи эса “она Ватан” тушунчалари билан ҳамиша ёнма-ён тасвир этилади. Демак, юртимизда униб-ўсаётган ҳар қайси қизнинг илм олиши, соғлом вояга етиб, ўзининг иқтидорини намоён қилиши, ўз ўрнини топишидек масъулият, аввало, ота-онага, маҳалла, мактаб, қолаверса, бутун жамиятга дахлдор. Бинобарин, учинчи Ренессанс пойдеворини илмли, оқила ва маърифатли оналарсиз қириб бўлмайди. Ҳар бир она эса фарзанди учун биринчи муаллимдир.

Нигоҳи қалбга илҳом солади

Акмал НУР,
Ўзбекистон Бадиий
академияси раиси,
Ўзбекистон халқ rassomi:



— Аёл — меҳр-муҳаббат, гўзаллик, нафосат, нозиклик, ибo-хаё, поклик, садоқат тимсоли. Шунингдек, у оиланинг гултожи, келажак авлод тарбияловчиси, инсон қалбида муқим топадиган барча эзгулик ва зиёнинг ҳам асровчисидир. Эҳтимол, шу боисдан ҳам одам учун ҳамиша қадрли бўлган Ватан, қуёш, замин, табиат каби каломлар она сўзи билан пайваст айтилади, шу тариқа улугланади.

Айниқса, ижодкор учун аёл, унинг севгисию меҳр-муҳаббатини улкан илҳом манбаидир. Масалан, бундан неча асрлар аввал яратилган асарларни бир эслайлик... Аёлнинг ҳатто кўз остидан мулоим бир қиё боқиши, қошини билан-бир билмас титратиши ҳам бир-биридан гўзал ғазаллар яратишига туртки берган. Хумор ва ишқ тўла кўзлари, шафтоли гун-

часини эслатувчи лаблари қанчадан-қанча суратлар чизишга илҳомлантирган.

Билямизки, мозийда Шарқ аёллари нафақат гўзаллик рамзи, балки ҳаёт яратувчиси, меҳр-муҳаббат, ибo ва хаё эгаси сифатида улугланган. Ўзбек аёли Шарқ аёллари орасида ўзига хос ўринга эга, унинг ижобий сифатларини салнаймиз, десак, адашиб кетиш ҳеч гап эмас.

Асарларимда аёлнинг гўзаллигини, нозик қалбини, ҳароратли ҳис-туйғуларини, орзу ва умидлари нақадар мусаффолигини, армонлари нақадар кўнглининг тўрида беркиниб ётганини ифодалашга ҳаракат қиламан. Бу асар-

лар учун илҳомни, албатта, узокдан эмас, ўз яқинларим — онам, аёлим, сингилларим, қизлариму невараларимдан оламан. Ҳар сафар уларнинг меҳрибон ва мунис чеҳрасига қараганимда, илиқ сўзларини эшитганимда қалбимга ёруғлик инди, кўзларим яшнаб, тўлқинланиб кетаман. Ҳа, уларнинг бир нигоҳи ҳам қалбга илҳом солишга қодир...

Мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор ва ғамхўрликни кўриб беҳад қувонасан киши. Қай соҳага қарамайлик, уларнинг ўз ўрнини топиб бораётгани, оилада ҳам, жамиятда ҳам қанчалик эъзозланаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Аёллар эъзозланган юртда гўзал келажак яралади, бахтли ҳаёт ҳукм суради, болаларнинг шодон кулгиси янграйди, кўнгилар завқу шавқ туюди. Илоҳим, Ўзбекистонимиздаги мана шу шуқуқ бардавом бўлсин!

Она сиймосини гавдалантириш — ҳам масъулият, ҳам шараф

Рихси ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:



— Шу баҳор 88 ёшга кирдим. Ҳаётим давомида театр, кино, телевидение, радиода етмишдан ортққ роллар ўйнадим. Ёшлигимда келинчақлар, ёш оналар образини яратган бўлсам, ўттиз йилдан буюн ўйнаган ролларимни оналар галереяси дейиш мумкин. Булар орасида япон, қозоқ, қирғиз, туркман, рус оналарининг ҳам бетақор сиймоси бор.

Кинода, театрда, ҳаётда бўладими, она деган тирсолга жуда катта масъулият юкланган. Мен ўйнаган роллар Нодирабегимнинг оналик давримни, Тўмариснинг “Болам, бошингни баланд тут, душманга бўйин эгма”, деган даъватими, ҳатто тахт талашган оналар, ўзаро душман ака-укаларнинг онаси, уруш қурбонларининг онаси бўладими, қайси образда бўлишидан қатъи назар, бу оналар қисматида ҳаёт ҳақиқати мужассам. Оналар яратувчи зотдир. Болаларига алла айтганда, буюк инсонлар бўлиб етишини орзу қилади. Лекин улар катта бўлганида қандай инсон бўлиши атроф-муҳитга боғлиқ.

“Шум бола” фильмидаги она етим болаларни қанчалик қийинчилик, ҳалол меҳнат билан боққани билан ичидан биттаси ноқобил чиқади. Ёки “Менинг ўғригина болам” фильмидаги она ўз меҳри билан номингга иснод тушмасин, деб бир ўғригина болани тўри йўлга солиб юборади. “Дунёнинг ишлари” фильмидаги она ҳам талқон билан боласини боқади, биттагина эчки билан кун кечириди. Оналаримиз шундай сабрли, тоқатли, оқила ва меҳрибон бўлгани учун ҳам “Жаннат — оналар оёғи остида”, дейишади.

“Оталар сўзи” кўрсатувида кўп роллар ўйнаганман. Етимхоналар, ғарибхоналар, қишлоқлардан қоплаб мактаблар келган. Мозийдаги оналар роли халқимиз эътирофига, ҳурматиға сазовор эди. Лекин бугун кино ва театр сахналарида оналар образи қандай намоён бўлмокда? Бу юксак сиймони қуруқ планшетадан ўқиб бериладиган баландпарвоз сўзлар ёки қимматбаҳо тақинчоқлар, либослар билан гавдалантириб бўлмайди. Сериялларимиздаги андишасиз хотинлар ўзбек онасининг асл қиёфаси эмас. Оналаримизнинг сийратини кўрсатиш, дарду ташвишлари, орзу-армонларини очиб бериш зоҳирги санъатимиз олдидаги долзарб вазифадир.

Юртбошимиз оилани ҳам, давлат ишларини ҳам эплаб, иқтидорини намоён этаётган маърифатли оналар кўксига орден, медаллар тақипти. Санъаткорларимиз ана шундай ҳақиқий оналар образини яратилини хоҳлайман. Улар ижро қилган роллари халқимиз эсида қолсин.

Ҳар қирраси сирли, мўъжиза

Исажон СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:



— Она сиймосини тасвирламаган, у ҳақида жилла курса тўрт жумла битмаган ижодкор бўлмаса керак. Она ҳақида қанча таърифу ташбеҳлар битсак, шунча оз. Бу ҳам халқимизнинг ўзига хослиги, онага меҳр-муҳаббат далолати.

Халқимизда қонига ижод руҳи сингган ҳар қандай шоир ёки ёзувчи она тимсолига юксак ҳурмат билан ёндашади. Лекин ҳамма ҳам ўз онасини ёзавермайди. Тоғнинг тағида турсангиз, унинг бутун маҳобати, салобати, кўрку жамолини яққол кўриб турсиз. Ўз онасининг ички дунёсини яхши билган адибга ҳам бу буюк қалбни тасвирлаш осон эмас. Шу билан бирга, яна бир андиша борки, ижодкор онасини халққа мактаб, кўз-кўз қилмайди. Бундан ийманади. Менинг ҳам бош қаҳрамони айнан онам прототип қилиб олинган асарим йўқ. Бироқ бу улғу сиймо ҳар бир асаримга — кичик ҳикоямдан тортиб катта романларимга — ўз таъсирини ўтказган, десам, айна ҳақиқат. Ахир ўзим шу онанинг “ижоди” махсули бўлганимдан кейин менинг ижодим ана шу нуқтадан боқиланиши табиий.

Онажонимнинг ҳикояю эртаклари, ибораларю қочиримлари, аскияю киноларидан илҳомланиб, асарларимда унинг айтган жумлаларидан фойдаланганман. Волидам билан боғлиқ айрим хотиралар ҳикояю қиссалар тугилишига туртки берган.

Масалан, бир сафар онамни Ўрта Ер денгизи бўйига дам олишга олиб бордим. Меҳмонхонага жойлашдик. Сахарлаб онам мени уйғотди: “Хой бола, тур! Мусича кукуляпти, кун ёйилиб кетди”. Худди болалигимда, олис қишлоқда кулоқларим остида жаранлаган бу сасдан яна ўша бетақор беғубор дамларга қайтгандек бўдим. Сафар давомида онамнинг ўзини тутиши, қувнаши, ўйга чўмиши, атрофга ҳайрат кўзи билан боқиши... Қалбимга муҳрланиб қолган бу хотиралар кейинчалик “Мен, онам ва Ўрта Ер денгизи” деган ҳикоямга ҳамиртуруш бўлган.

Миллатимиз қадим урфодат ва қадриятларга эга. Масалан, ёш келиннинг болаларга рўмолча, пичоқ ҳадя этиши, сочни қирқ ўрим қилиб ўриши ҳам гўзал одатларимиздан. Уларнинг замирида теран маъно-мазмун ётади. Шуларнинг ҳаммасини “Онаизор” деган қисса ёзганимда меҳрибонимдан сўраб олганман.

Аёл зоти бутун умр уй-жойим, бола-чақам деб яшаб ўтади. Улар фақат ота уйидагина ўз ҳаётида яшайди, ўзга уйда эса қайнона-қайнота хизмати, жуфти ҳалолли бахти, фарзандларининг келажакдаги тахти учун умрини давом эттиради. Онамнинг турмуш тарзи, ўтин териб, тандирда нон ёпиши, ўт ўриб, жониворларга хашақ бериши, одамларга, табиатга, борлиққа муносабати доим ҳайолида туради. Бу тасвирлар асарларимга кўчади, қаҳрамонимнинг ҳаётида жонланади. Улар ижодим махсулининг ўқилишлигини, ҳаётийлигини таъминлайди. Ўқувчилар мутлола пайтида бу образлар тимсолида ўз онасини кўришга замин яратади.

Назокат, садоқат ва шукроналик тимсоли

Юртимизда хотин-қизлар учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмокда. Хусусан, ўтган йиллар давомида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида:

- бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши **35**, тадбиркорлик соҳасида **45**, сиёсий партиялар таркибида эса **49** фоизга етди;
- 2020 — 2024 йилларда эҳтиёжманд **8653** нафар хотин-қиз олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди;
- магистратура босқичида таҳсил олаётган **24 минг** талабанинг 60 фоизи ёки **17 минг**дан зиёди хотин-қизлардир. Бу кўрсаткич 2018 йилдагига нисбатан **3,8 баробар** ортган;
- 2021 — 2024 йилларда **6 минг**га яқин талаба хотин-қизларнинг шартнома тўловлари маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан қопланди;
- ўтган йилда қарийб **890 минг** нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашилди;
- “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг қарийб **995,5 минг** нафарига ёрдам берилди.

Ҳукм ўқиш менга осон бўлмаган

Исмаиулла МАМАНОВ,
суд фаҳрийси:



— Ўн беш йиллик судьялик фаолиятим давомида аёллар томонидан содир этилган кўплаб жиноятларни кўриб, ҳукм чиқарганман. Айтиш жоизки, аёл устидан ҳукм ўқиш судья учун ниҳоятда оғир. Чунки қанчалар мудҳиш қилмиш содир этган бўлмасин, у биринчи навбатда аёл. У ҳам кимнингдир қизи, синглиси, опаси, кимнингдир турмуш ўртоғи ёхуд онаси. Хуллас, сизу биз яшаётган шу давлатнинг фуқароси, шу юртининг тўлақонли аъзоси. Қолаверса, жаннат пойига нисор этилган аёл. У жиноят қиламан деб дунёга келмаган, қайсидир бир носослом муҳит уни шу кўйга солгандир, балки.

Уни жиноятга нима ундаган, ким мажбур қилган? Унинг атрофидагилар нега

Айтиш керакки, жиноят содир этган аёллар билан боғлиқ ҳукмларни ич-ичимдан йилғамасдан ўқиймадим.

Жиноят содир этган шахс ким бўлишидан қатъи назар (аёл бўлса ҳам), қонун олдида жавоб бериши ва қилмишига мутаносиб тарзда жазога тортилиши лозим. Бу — қонун талаби. Аммо жиноятчи сифатида аёлга, онага ҳукм чиқариш ҳар бир судья учун азоб. Чунки биргина аёлнинг орқасида бутун бошли оила, қолаверса, бутун миллат туради. Шу боис ҳар бир аёл ўз муқаддас номига, ор-номусига доғ туширмаслигини хоҳлайман. Зеро, аёл халқимизда азалдан муҳтарам ва мунис хилқат, меҳр ва садоқат тимсоли бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Гул ва аёл муштарак

Шарофат НОРИЕВА,
Шароф Рашидов туманидаги “Гулчи опа томорқа хизмати” кластери раҳбари, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkor” фаҳрий унвони соҳибаси:

— Аёл — мўъжизавий хилқат. Гул эса табиатнинг гўзал инъоми. Бу икки яратик аро муштараклик бор. Аёл барча замонда ҳаёт бардавомлиги ифодачиси, кўнгилар маликаси, оилалар файзу фариштаси бўлиб келган. Гул ҳам доим энг яхши тухфа, туйғулар изҳори воситаси, хонадонлар кўрки, яхши кайфият манбаи ҳисобланган. Шоирлар аёллар гўзаллигини гулларга қиёслашди. Ҳақиқатан ҳам, дил нозиклиги, доим нафосатга интилиши, ҳаётдан фақат яхшилик қутиб яшаш, эзгуликка хизмат қилиши билан азиз онажонларимиз, меҳрибон она-сингилларимиз гулга ўхшаб кетади.

Баҳор келиши ва кунлар исмиши билан кўчаларда олча дарахти гуллаб бошлаганига кўзимиз тушади. Унинг чиройидан маст бўламиз.

Болалигимдан гулларни яхши кўрадим. Мактабдан қайтаётганимда олчанинг гуллаганини ёки уйлар томида алвон рангдаги қизғалдоқларни кўриб қолсам, соатлаб уларнинг гўзаллигига, бўйига мафтун бўлиб тикилиб турардим. Гулчиликка қизиқишим ортаиб, турли адабиётлар, журналлардан ўқиб, дунёда инсониятнинг ўз гўзаллиги билан ҳайратга солган гуллар жуда кўп эканини билдим. Масалан, сакура — япон халқининг энг севимли гули. У миллий рамз даражасига кўтарилган. Японияда ҳар йили сакура гуллаб бошлаган кун — 27 март байрам сифатида нишонланади. Одамлар бу кунда ҳатто ишга ҳам бормайди. Улар бу гўзалликини сокин ва хотиржам ҳолда кузатишни истаиди. Ҳар бир гулга нисбатан қалбимни ана шундай ҳис-туй-



гулар эгаллаган. Шу боис гулчилик касби этагидан тутдим ва шукрки, кам бўлганим йўқ.

Мен бахтли аёлман. Чунки ўзим севган гуллар ва гулчилик касби орқасидан элу юртга танилдим, давлатимиз раҳбари назарига тушдим. Президентимиз Фармонига кўра 2024 йилда менга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тadbirkor” деган унвон берилди. Бу нафақат тadbirkorлик орқали мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшаётганимга, меҳнатларимга берилган юқори баҳо, балки аёл зотиға, унинг орзуларни рўёбга, бахту саодатига юксак эҳтиром ва эътибор ифодасидир.

«Халқ сўзи».

Пойтахтимизда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Аёлларга эҳтиром» мавзуида маънавий-маърифий тadbirkor бўлиб ўтди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратта келган кўлемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаобгар.

Газета таҳриратта компьютер терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” напирет-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мушаххис — С. Исломов.

“Шарқ” напирет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6